

Тумандаги спорт объектларига медиа-тур ташкил этилди




Термиз туманида 1 та Болалар-ўсмирлар спорт мактаби, таълим муассасаларида 77 та спорт иншоотлари, 16 та сунъий қопламали ўйингоҳлар ва 29 та варкоут майдонлари фаолият юритади. Туман ҳокимлиги Ахборот хизматининг медиа-режасига асосан тумандаги спорт объектларига медиа-тур ташкил этилди.

Унда туман Болалар-ўсмирлар спорт мактаби фаолияти билан танишиш, ўтказилаётган спорт машғулотларининг ташкил этилиши ва олиб борилиши билан яқиндан танишилди. Шундан сўнг таълим муассасаларида ташкил этилган спорт объектлари, спорт майдонлари ҳамда мактабгача таълим ташкилотларидаги шахмат майдонлари билан танишилди.









Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати